Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 11 сентябрь, чоршанба • № 72 (10.847) • Эркин нархда сотилади.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕННИС БЎЙИЧА «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» УЧУН III АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРНИНГ ЁПИЛИШ МАРОСИМИДАГИ СЎЗИ

Ҳурматли меҳмонлар ва мусобақа қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз дўстлар!

Мана, истиқлолимизнинг катта ва шукуҳли байрамига уланиб кетган ҳамда бир ҳафта давомида минглаб ишқибозлар ва спортчиларнинг қалбларини ҳаяжонга солиб турган анъанавий спорт байрамига якун ясамоқдамиз.

Учинчи марта ўтказилаётган бу турнир иштирокчиларининг географияси кенгайиб, унда АҚШ, Франция, Россия, Португалия, Словакия, Швейцария каби теннис юксак ривожланган мамлакатларнинг нуфузли спортчилари қатнашганлигини мамлакатимизда спортни, жумладан, катта теннисни ривожлантириш соҳасидаги ишларга берилган юксак баҳо ва спортчиларимизга ҳурмат ифодаси деб биламиз.

Сиз, ҳурматли мусобақа қатнашчилари, сермазмун тарихга, юксак қадриятларга эга бўлган қадимий ўзбек заминида ўтказган ҳар бир онингиз таассуротларга бой бўлганлиги, юртимизнинг меҳмондўст, саховатли ва бағри дўстларга ҳамиша очиқ кишилари қалбингизни мафтун этганлигига иймоним комилдир.

Тошкент кортларида бир ҳафта давом этган мусобақалар ҳаяжонли лаҳзаларга, гўзал ўйинларга бой бўлди. Ишқибозларимиз Феликс Мантийя, Андрей Черкасов, Мартин Хромик, Ларс Райман, Даниэль Балдуччи каби таниқли ракетка усталарининг ажойиб ўйинларидан баҳраманд бўлдилар, маҳоратларига юксак баҳо бердилар.

Олег Огородов, Темур Хонхўжаев, Вадим Куценко, Дмитрий Томашевич каби ўзбек теннис мактаби вакилларининг ҳам бу турнирда анча муваффақиятли иштирок этганлиги дилимизга қувонч ва завқ бағишлайди.



Теннис кортларидаги зафар сурурлари ва мағлублик аламлари дунёнинг турли мамлакатларидан келган спортчилар ўртасида адоват эмас, балки бир-бирининг кучига мардона тан бериш, ҳурмат, ғолибликка фақат маҳорат билан эришишга интилиш уруғларини экканлигига ишончим комил ва спортда шундай бўлиб қолиши керак. Чунки катта спорт — мардлар, чаққонлар ва кучлилар машғулотидир.

Биз теннисга шунчаки бир спорт тури деб қарамасдан, уни соғлом авлодни камол топтириш, миллат генофондини соғломлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатнинг бир босқичи деб ҳисоблаймиз. Сиз эса бу мусобақаларда иштирок этиш билан мазкур ҳаракатга янги куч қўшаяпсиз.

Бугун «Президент кубоги»ни қўлга киритган Феликс Мантийяни ҳамда турнирда юксак маҳорат кўрсатиб, совринли ўринни эгаллаган Ларс Райманни шарафлар эканмиз, мусобақанинг барча иштирокчиларига мамлакатимизда бу спорт турини оммалаштиришга ва ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари учун чин қалбдан ўз ташаккуримни изҳор этмоқчиман.

«Президент кубоги»нинг барча ташкилотчиларига, аввало, ўзбек халқининг яқин дўсти Сассон Какшури жанобларига бу турнирни пухта ташкил этганликлари, ўйингоҳларни минглаб кишиларнинг завқ-шавқ олиш масканига айлантирганликлари учун миннатдорлик билдираман.

Азиз дўстлар, юртимиз меҳмонлари!

Ижозатларингиз билан яна бир фахрли ва шарафли вазифани бажармоқчиман. Ҳаммангизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Ўзбекистон Республикасида теннисни тарғиб қилиш ва ривожлантиришга, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун «ИТП Лимитед» компанияси президенти, халқаро теннис турнирларининг ташкилотчиси Сассон Какшури «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Шу орденни Сассон Какшури жанобларига топширишга рухсат бергайсизлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

Одамларнинг ўзликларини чуқур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишини, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланиши лозим. Аммо ҳануз жойларда маънавиятнинг моҳиятини, унинг олға силжишимиз, фаровон жамиятга тезроқ етишишимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик ҳоллари мавжуд.

Айрим катта-кичик раҳбарлар эски мустабидлик, зўравонлик мафкурасининг сарқитларидан ҳалигача қутула олмай, бу борада кечириб бўлмайдиган оқсоқлик қилиб маънавиятнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслик туфайли унга иккинчи даражали иш сифатида қарамоқдалар. Маънавий-маърифий ишларга бўлган бундай эътиборсизлик келажаги буюк демократик, озод давлат қуришдек эзгу мақсадимиз рўёби учун мутлақо зиддир.

Маънавият соҳасида олиб бораётган ишларимизни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблансин.

Жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, республикамиздаги барча вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарларининг зиммасига юклансин.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари ишини янада яхшилаш мақсадида ҳокимликлар уларни икки ой муддат ичида тегишли бино, замонавий жиҳозлар, транспорт ва техника воситалари билан таъминласинлар.

2. Ёшларимиз онгига она-Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва

(Давоми 2-бетда).

ПАХТАНИ НИМАДА ТЕРАСИЗ?

КУЗ келиб, ҳосил хирмонга тушадиган пайт келганда пахта йиғим-терими мавсумини ўйламай, ўзга ташвишлар билан яшаб келганларнинг ҳоли вой бўлиб қолади. Бундай одамлар одатда кўсаклар очилиб, чаноқлардан ҳосил тошиб чиқаётганини кўргандан кейингина «Ҳа, бўл-ҳа, бўл»га тушиб қолишади. Шу кеча-кундузда Ўртачирчиқда ана шундай аҳвол содир бўляпти.

Тумандаги хўжаликларнинг раҳбарлари ҳар йили пахтанинг асосий қисмини машиналарда теришга одатланиб қолишган ва «бу йил ҳам, албатта, машина теримига зўр беришга» қарор қилишган эди. Қаерда тўрт ходимнинг боши бир ерга бирикса, шу ерда, албатта, «Машиналар шарофати» ҳақида қайта-қайта гапирилди, кўпдан-кўп ваъдалар берилди, янги-янги мажбуриятлар қабул қилинди. Бироқ, вақти-соати келиб, бор имкониятлар чамалаб чиқиладиган паллада аҳвол чатоқ эканлиги, гап билан овора бўлиб, техникани мавсумга ҳозирлаб қўйиш хаёлдан кўтарилгани маълум бўлиб қолди.

Буни қарангки, етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини йиғиб-териб оладиган 235 та машинанинг 84 таси ҳали таъмирдан чиқмабди... «Тайёр» деб қўйилган 151 та машинанинг 13 тасигина қабул комиссиясидан ўтиб, қолганлари «чийириқ»қа чидаш беролмабди.

Хўш, Ўртачирчиқ туманида нега бундай аҳвол содир бўляпти? Мавжуд барча техника тайёргарлик чизиғига олиб чиқиладиган пайтда нима учун шу иш билан шуғулланадиган мутасадди раҳбарлар ер чизиб қолишяпти?

Луқма

— 67 та двигател, 36 та терим аппарати таъмирлашдан чиққани йўқ, — дейди туман деҳқончилик-саноат уюшмаси бош муҳандиси Марат Нусеров. — Бунинг устига аккумуляторлар масаласи ҳам муаммо бўлиб турипти. Ҳисоблаб чиқдик, 202 та аккумуляторлар керак экан. Уларни топсак, шу заҳоти терим машиналарига ўрнатардик... Аммо, ҳолва деган билан...

Булар-ку, йиғим-терим машиналари билан рўй бераётган чатоқликлар. Ғўза баргини тўктириш учун шу кеча-кундузда далага олиб чиқиб ишлатилиши керак бўлган пуркагичлар ҳам носоз экан. Нега улар барвақт созлаб қўйилмади?

Бош муҳандис индамади. Кимёвий моддаларни пуркашда қўлланиладиган 69 та ОВХ аппаратларидан 45 тасигина ишга тайёр деб маълумот бериб, қолгани созланяпти, деб туришгандан кейин у нима ҳам десин. Бунинг устига транспорт тракторларидан 85 таси таъмирлаш навбати кутиб тургани ҳам пахта йиғим-теримига тайёргарлик ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини кўрсатмайдими?

Биз бу ерда туман бўйича терим техникасини таъмирлашнинг қандай бораётганлигини таҳлил қилиш билан чекландик, холос. Негаки, келтирилган мисоллардан ҳам хўжаликлардаги умумий аҳвол кўзгудагидай равшан бўлиб турипти. Кишини бир нарса — Республика Вазирлар Маҳкамаси пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиб, мавсумга тайёргарлик ишларини пишиқ-пухта ўтказиш вазифаларини белгилаб бергандан кейин ҳам бу соҳадаги қолоқлик тугатилмаётгани, ажаблантиради, холос.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1996 йил 11 сентябрь № 72 (10.847)

«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

халқимизнинг бугунги мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус таништирув саёҳатлари ташкил этиш барча ҳокимлар зиммасига юклатилсин.

Бу мақсадда ҳокимликлар ва «Маънавият ва маърифат» маркази, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Камолот» ёшлар жамғармаси тегишли тавсияларни 2 ой муддат ичида ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

3. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларини истиқлол ғояларини, миллий қадриятларни теран англайдиган, фидойи, ташкилотчи, ташаббускор ходимлар билан мустаҳкамлаш учун уларнинг раҳбарлари шу йилнинг охирига қадар қайта синовдан ўтказилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий бўлимлар раҳбарлари тегишли ҳокимликлар тавсиясига биноан «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан тайинланади.

5. Ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар» куни деб эълон қилинсин ҳамда дам олиш куни ҳисоблансин.

Бу байрамда ўтказиладиган барча тадбирлар ўқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар, умуман, болалар билан ишлашга, уларнинг соғлиғини ҳимоялашга, жисмонан ва руҳан соғлом камол топтиришга ўз ҳаётини бахшида этган инсонларни улуғлашга бағишлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бу борада тегишли таклифни Олий Мажлисга киритсин.

6. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази нашри «Тафаккур» журналини жойларда кенг ёйиш учун маҳаллий ҳокимликлар унинг обунасига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси марказнинг «Маънавият» нашриётини ташкил этиш, бу нашриётнинг ва «Тафаккур» журналининг муаллифлик қалам ҳақи миқдорларини амалдагидан ошириш масаласини кўриб чиқсин ва ҳал этсин.

8. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, унинг жойлардаги бўлимлари, хўжалик ҳисобидаги корхоналари ҳамда «Тафаккур» журнали низомида кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга қатъий мос келадиган фаолият йўналишлари бўйича барча турдаги солиқлардан беш йил муддатга озод этилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокими зиммасига икки ой муддатда марказнинг асосий биносини миллий услубда таъмирлаш ва замонавий жиҳозлаш юклатилсин.

10. Молия вазирлиги марказга махсус аудио, видео, фото ва бошқа зарур техник ускуналар харид қилиш учун керакли миқдорда маблағ ажратсин.

11. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилганлиги эътиборга олинсин.

Ушбу Фармонда марказга берилаётган имтиёзлар унинг «Олтин мерос» жамғармасига ҳам тааллуқли эканлиги белгилаб қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин.

13. Оммавий ахборот воситаларига «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, унинг «Олтин мерос» жамғармаси фаолиятини кенг ёритиш, доимий махсус рукнлар очиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси марказ билан ҳамкорликда махсус «Маънавият ва маърифат» ижодий гуруҳини ташкил қилсин, мунтазам кўрсатувлар ва эшиттиришларни йўлга қўйсин.

14. Мазкур масалаларни амалга ошириш учун тегишли идоралар вакилларидан иборат махсус ишчи гуруҳи ташкил этилганлиги эътиборга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 9 сентябрь.

ҲАММАМИЗНИ ПАХТАЗОР ЧОРЛАМОҚДА

Тошкент вилояти фаоллари, қишлоқ хўжалиги ходимларининг вилоят меҳнаткашлари ва барча аҳолисига

МУРОЖААТИ

Ўзбекистон халқи куни кеча жонажон республикамиз мустақиллигининг 5 йиллик тўйини катта тантана билан нишонлади. Ўша табаррук кунларда қайд қилинганидек, она-Ватанимиз тарихан жуда қисқа вақт мобайнида катта ютуқларни қўлга киритди. Қатор соҳалар билан биргаликда халқ хўжалигимизнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган — пахтачилик ҳам тилга олинди.

1996 йилнинг кузи кириб келди. У «Оқ олтин» бунёдкорлари олдига алоҳида талаблар қўймоқда: вилоятимиз пахтакорлари она-Ватанга 280 минг тонна қимматли хом ашё етказиб бериш тараддудини кўрмоқдалар.

Далаларда режаларимизни таъминлайдиган даражада мўл ҳосил пишиб етилди. Эндиги вазифа бу бойлигимизни тезда, нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишдан иборатдир. Айни кунларда бутун саъй-ҳаракат ва эътибор ана шу долзарб вазифага қаратилмоқда.

НИЯТИ ПОК АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР!

Сизларнинг катта меҳнатингиз, кечаси-ю кундузи тинимсиз ишлашингиз туфайли далаларда яратилган мўл «оқ олтин» ҳосили энг аввало сизларга мунтазир. Уни қисқа муддатларда саранжомлаб олмоқ Сизларнинг ғайрат-шижоатингизга боғлиқдир. Ўйлаймизки, Сиз бу борада бу йил ҳам барчага ўрнак бўласиз.

ҚАДРЛИ МЕХАНИЗАТОРЛАР!

Биз Сизларга мурожаат қиламиз. Сизнинг терим машиналаридан сифатли ва унумли фойдаланиб катта хирмонга барака киритишингизга ишонамиз ва Сизларнинг кучингиз билан ҳар бир терим машинасида 110—120 тоннадан пахта териб, вилоятимиз далаларида етиштирилган ҳосилнинг 60—70 фоизини сиз, азизлар ёрдамингизда йиғиштириб олишга ишончимиз комил.

АЗИЗ ҲАМҚИШЛОҚЛАР, ОТАЛАР, ОНАЛАР, ЁШЛАР ВА ҲАШАРЧИЛАР!

Пахтакорга — ҳамма мададкор, деган гап бор. Бу удумга амал қилиб, умумхалқ ҳашари — пахта теримидан четда қолмасликни ўзларининг ор-номус иши деб билаётганлар бизни қувонтирмоқда. Биз аминмиз, бу йил ҳам ҳар бир қишлоқ хонадонида истиқомат қилаётган фахрийлар, оналаримиз, ёшларимиз катта меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳосилни териб олишда фаол иштирок этиб, пахтакорларимизнинг ҳақиқий мададкори бўладилар.

ҲУРМАТЛИ ЭЛГА БОШ БЎЛГАН РАҲБАРЛАР!

Пахта йиғим-терими муваффақияти кўп жиҳатдан жойлардаги тайёргарликка боғлиқдир. Шундай экан, пахта терими арафасида ишлаб чиқилган тадбирларни оқилона амалга ошириш, терим билан банд бўлган кишиларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш асосий вазифа эканлигини унутмайлик. Илғорларни маънавий ва моддий рағбатлантириш услубларидан кенг фойдаланайлик.

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Пахтазор — мардлар майдони. Дилида Ватанга муҳаббат иштиёқи жўш урган, Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яратишга ҳисса қўшишга отланган ҳар бир фуқаронинг ўрни айни шу кунларда пахтазорда бўлмоғи лозим. Зеро, режада белгиланган «оқ олтин» хирмонларини тезроқ барпо этиш, миллий бойлигимизни тез фурсатларда йиғиштириб олиб, давлатга етказиб бериш пахтакорларимиз номини яна бир карра шарафлайди.

ҲАММАМИЗНИ ПАХТАЗОР ЧОРЛАМОҚДА!



ВИЛОЯТИМИЗДА пахта терими бошланмоқда. Унда кекса отахонларимиз, нуроний онахонларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлади. Юқоридаги суратда бир гуруҳ тажрибакорлар Ўртачирчиқ тумани далаларида бўлиб, ўзларининг қимматли маслаҳатлари билан биргаликда мўл хирмонимизга оқ фотиҳа бердилар. Бугун бўлиб ўтадиган Тошкент вилояти фахрийлари анжуманида ҳам ана шу ҳақда гап бўлади.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

«Ватанни севмоқ иймондандир» танлови якунланди

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан вилоят ҳокимлиги ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти ҳамкорликда «Ватанни севмоқ иймондандир» шиори остида танлов эълон қилган эди. Газета саҳифаларида танловга келган жуда кўп мақолалар, бадиа, шеър ва бошқа жанрдаги материаллар эълон қилинди. Бу мақолаларнинг ҳар бирида Ватанга муҳаббат туйғуси, юртпарварлик, мамлакатимизда рўй бераётган буюк ўзгаришлар, мустақил юртга муносиб фарзанд бўлишдек муқаддас бурч баён этилганлиги бизни мамнун этди. Танловда ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, турли касб соҳиблари фаол иштирок этишди.

Байрам арафасида ҳайъат аъзолари мустақиллигимизнинг беш йиллиги муносабати билан ташкил этилган танловга якун чиқардилар. Ҳайъат газета саҳифаларида эълон қилинган материалларни чуқур ўрганиб чиқиб, таъсис этилган мукофотларни қуйидаги муаллифларга беришга қарор қилди:

БИРИНЧИ ЎРИН — Баҳодир Валиевга — «Даврон мени ўткарди...», «Тилгинанг бахт куйласин», «Ватан ҳақида етти ривоят» мақолалари учун.

ИККИНЧИ ЎРИН — Зарифа Эралиевага — «Саждагоҳимсан, ўзинг», «Аёл меҳр берса агар шу юртга...», «Темурга ўхшадинг болакай» мақолалари учун.

Роҳила Ҳафизовага — «Кафтимдадир муқаддас тупроқ» шеърлар туркуми учун.

УЧИНЧИ ЎРИН — Раҳматилла Шералиевга — «Бир ҳовуч тупроқ» мақоласи учун.

Миржалол Миралиевга — «Бу шундай бир ўлкаки, жон нисор этсанг арзир...» мақоласи учун.

Аҳмаджон Рихсибоевга — «Шу юрт фарзанди эди» мақоласи учун.

Вилоят ҳаёти

ПИСКЕНТ БРЕЗЕНТЛАРИ

ҚИШЛОҚ хўжалигига ихтисослашган жамоалар, айниқса, пахта заводлари очиқ майдонда сақланаётган маҳсулотларни ёғин-сочиндан сақлашда тақчил маҳсулот бўлган брезентга эҳтиёж сезишлари яхши маълум. Эндиликда уларнинг мушкули анча осонлашадиган бўлди. Пискентда брезент ишлаб чиқарила бошланди. Ҳозирча намунавий нусхалар тайёрланди. Хориждан келтирилган дастгоҳлар, ускуналар чет эллик мутахассислар ёрдамида монтаж қилинмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошласа, бу ерда 2 миллион погон метр брезент матолар ишлаб чиқарилади.

— Илгарилари ана шу маҳсулот тури валютага четдан келтирилларди, — дейди янги ташкил этилган қўшма корхона директори Абдураҳмон Раҳмонқулов. — Шу ой охирларида корхона тўла ишга тушади. Агар иш уч сменада ташкил этилса, 2 миллион погон метр брезент мато тайёрлаш имкониятига эга бўламиз. Агар, Ўзбекистонга жами 9 миллион погон метр брезент зарурлигини ҳисобга оладиган бўлсак, икки-уч йилда барча эҳтиёжмандларни ўзимизнинг брезент билан таъминлаймиз. Ҳозир биринчи босқичда Чехиядан келтирилган дастгоҳлар ўрнатиб бўлинди. Бельгиядан яна 12 та дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилса, қўшма корхонамиз қуввати икки баравар ошади.

М. МИРАЛИЕВ.

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

Табиат ва инсон

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг иловаси

САБОҚ ЧИҚАРАСИЗМИ? ЁКИ...

Шу йилнинг биринчи ярмида 1400 дан ортиқ саноат, автотранспорт, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа иншоотларнинг экологик ҳолати таҳлил қилиниб, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини қўпол равишда бузганлиги учун 394 нафар мансабдор ва масъулиятли шахсларга 226 минг сўмлик жарима солинди. Табиатни кўп миқдорда бузаётган корхона, ташкилотларга солинган жарима 420 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, айрим корхоналар ва уларнинг бўлинмаларидан ўнтасининг ишини тўхтатиб қўйиш ҳақида қарорлар чиқарилди.

ПОЙТАХТ вилоятимизда шу йилнинг биринчи ярмида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан қандай чоралар кўрилди, бу муҳим ишда эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар нималардан иборат бўлди? Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида шу масалалар танқид ва ўз-ўзини танқид, янги имкониятларни ишга солиш зарурлиги руҳида муҳокама қилинди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси Т. Эргашевнинг маърузаси тингланди ва муҳокама этилди.

Вилоят экологлари ўзларининг кундалик фаолиятларида «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ ҳаракат қилмоқдалар. Барча корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларда унга амал қилишнинг аҳволини чуқурроқ текшириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Айниқса, жамоатчиликни кенг жалб қилишга алоҳида эътибор бериляпти. Шу туфайли назоратнинг самарадорлиги тобора ортиб бормоқда.

Буни жорий йилнинг биринчи ярмидаги иш якунларида ҳам яққол кўриш мумкин. Шу давр мобайнида табиатни муҳофаза қилиш нозирлари деярли 1400 та саноат, автотранспорт, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа объектлардаги экологик аҳволни таҳлил қилдилар, 2,5 мингга яқин автотранспорт воситаларини назоратдан ўтказдилар.

Кенг қамровли бу иш давомида айрим ютуқлар қатори катта камчиликлар ҳам мавжудлиги маълум бўлди. Унинг айбдорларига нисбатан турли хил жазо чоралари кўрилди. Текширишлар давомида 4,5 мингдан ортиқ тавсиялар берилди. Уларнинг салкам ярми амалга оширилди, қолганларининг ижроси эса назорат остига олинган. Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини қўпол равишда бузганлиги учун 394 нафар мансабдор ва масъулиятли шахсларга нисбатан моддий жазо чоралари қўлланилди. Улар ҳаммаси бўлиб 226 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлдилар. Бу жарималарнинг деярли ҳаммаси ундириб олинди. Бундан ташқари, 25 та даъво билан чиқилди. Табиатни кўп миқдорда булғатаётган бундай корхоналар ва ташкилотларга солинган жаъми жарима миқдори 420 минг сўмдан ҳам кўпроқни ташкил этди.

Экологияга зарар етказганлиги учун бир неча бор огоҳлантирилган, лекин шунга қарамай кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўрмасдан, фақат ваъдабозлик билан шуғулланган айрим корхоналар маъмуриятларига нисбатан янада қаттиқроқ чоралар кўрилди. Ҳатто уларнинг ишини тўхтатиб қўйишгача борилди. Ўтган ярим йилликда айрим технологик асбоб-ускуналар, цехлар, участкаларни ёпиб қўйиш юзасидан 19 та қарор чиқарилди. Уларнинг 10 таси амалда тўхтатилди. Бундан ташқари, атроф-муҳитни ифлослантирувчи 22 та кўчма манбалардан фойдаланишга ҳам чек қўйилди. Шу кейинги чоралар туфайли заҳарли моддаларни атмосферага чиқариш деярли 50 тоннага камайди.

ДАН идоралари, «Узнефтегаз» инспекцияси билан ҳамкорликда «Тоза ҳаво» операциясининг биринчи босқичи ўтказилди. Унинг боришида 80 дан ортиқ автотранспорт корхонаси, 50 та автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари текширилди. 2,5 мингдан ортиқ автотранспорт воситаси чиқараётган газларнинг зарарлилиги текширишдан ўтказилди. Ҳавога ортиқча шундай чиқинди чиқараётган 365 та машинани қайта созлашга тавсия этилди. Шу ва бошқа шу каби тадбирлар туфайли зарарли моддаларни ҳавога тарқаши 400 тоннага қисқарди.

Оби-ҳаёт манбаларини тоза сақлаш, уларга оқиб тушаётган оқаваларни тозалаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда узлуксиз текширишлар ўтказиляпти. Айрим корхоналар маъмуриятлари оқаваларни тозалашга қаратилган ва экологлар томонидан тавсия этилган тадбирларни амалга оширишга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Шу туфайли ҳам «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида ифлос оқавалар ҳажми 4 миллион куб метр камайди. Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида оқава сувларни оқизиш тамомила барҳам топди. Бунинг натижасида қисқа муддатда 25 минг куб метр оби-ҳаёт тежаб қолинди. Янгийўл биокимё заводида эса қайта сув таъминоти қурилиши ниҳоясига етказилганлиги туфайли ҳар йили 980 минг куб метр тоза сувни тежаш имкони туғилди.

Вилоятимизнинг саноат марказлари ҳисобланган Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларида турли хил зарарли чиқиндилар билан ифлослантириш даражаси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча камайганлигини қайд этиш лозим. Ҳозирги вақтда бундай моддалар меёридан ошиқ бўлмаяпти. Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларида азот диоксиди, Олмалиқ, Чирчиқда формальдегид бўйича ифлослантириш даражаси камайди.

Экологлар атмосферага чиқиндиларнинг чиқарилиши меёрда бўлишини таъминлашга эришиш учун тинмай кураш олиб бормоқдалар. Бу ўзининг самарасини бермоқда. Нафақат атмосферага, ҳатто очиқ сув ҳавзаларига чиқиндиларнинг чиқарилиши сезиларли даражада камайди. Ҳозирги вақтда вилоятда ҳавога чиқарилаётган заҳарли моддаларнинг 90 фоиздан ортиқроғи меъёрлаштирилди.

Пойтахт вилояти саноати ўтган йилнинг иккинчи ярмидан барқарорликка эришиб, жорий йилнинг биринчи ярмида сезиларли силжишга муваффақ бўлди. Корхоналарда ишлаб чиқариш суръатлари ошди. Бу ўз навбатида экологик зўриқишни кучайтиришга олиб келади. Чунки, тобора тўла қувват билан ишлаётган корхоналар чиқиндиларни ҳам кўпроқ чиқарадиган бўлади. Шуни ҳисобга олиб, қўмита мажлисида республикада ностандарт чанг-газ тозаловчи асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш бўйича махсус завод барпо этиш ҳақидаги таклиф ўртага ташланди. Табиатни муҳофаза қилиш иншоотларини қуриш бўйича махсус ягона қурилиш трести барпо этилиши лозимлиги уқтирилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари В. Конюхов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



Тошкент Давлат университетидаги органик кимё кафедраси олимлари ишлаб чиқариш чиқиндиларидан халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун турли хил маҳсулотлар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишмоқда. Суратларда: доцент Ҳабибулла Тожимуҳамедов ва унинг раҳбарлигида чиқиндилардан тайёрланган маҳсулотлар намуналари.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Яхшидан ном қолар

ДАШТ ЭДИ — БОҒ БЎЛДИ

МЕВАЗОР боғ, поёни кўринмайди. Ичкарисига кирсангиз, завқ-шавқингиз ошиб боради, уни яратган азаматларга тасанно айтгингиз келади. Инсон қўли қанчалик гул эканлигига, қадами қутлуғ эканлигига иймон келтирасиз. Дарахтлари ҳали ёш, мевалари эса турли-туман. Деярли ҳаммаси ҳосилга кирган.

Янгийўл мебель корхонасига қарашли бу ёрдамчи хўжалик директори М. Отабеков билан суҳбатлашар эканмиз, боғнинг яратилганига уч йил бўлганлигини эшитиб, аввалига ишонқирамадик. Шундай қисқа муддатда бундай каттагина мевазорнинг юзага келиши ғайри табиий эди.

Хўжалик раҳбарининг айтишича, ҳозирги боғ ўрни бундан уч йил илгари бамисоли даштни эслатаркан. Лекин, бир гуруҳ ихлосмандлар куч-ғайрати билан боғ юзага келди. Энди ғарқ ҳосилга кириб, унга асос солган, парвариш қилганлар қалбига олам-олам қувонч бахш этиб турипти.

Боғ ўрни дўнг-тепаликлардан иборат эди. Асрлар давомида дашт бўлиб ётган, сув чиқарилмаган бу майдонда боғ яратиш мумкин эмасдек туюлди. Лекин, одамлар иккиланмади. Тракторлар, булдозерлар билан ер текисланди. Отажонов номли боғдорчилик ва узумчилик хўжалигидан зарур бўлган турли мевали дарахт кўчатлари келтириб экилди. Улар нобуд бўлмаслиги учун оби-ҳаёт керак эди. Бу ерга сувни ён-атрофдан ҳам олиб келишнинг имкони йўқ эди. Шу сабабли қудуқ қазишга мажбур бўлинди, анча чуқурликдан сув чиқарилди.

1993 йил кузида текисланган боғнинг олти гектарлик ҳудудига кейинги йил баҳорида олма, олхўри, шафтоли, ёнғоқ, четларига эса терак кўчатлари экилди. Орадан бир йил ўтгач олхўри, шафтоли дарахтлари ҳосилга кирди, ёнғоқ нишона кўрсатди. Дастлабки мевалар мебель корхонасининг болалар боғчаси тарбияланувчиларига совға қилинди.

Ҳозирги кунда Янгийўл мебель корхонасининг Қуйичирчиқ туманида жойлашган бу ёрдамчи хўжалигида айни пишиқчилик, 6 гектарлик боғда 1552 туп олма, 500 туп ёнғоқ, 400 туп шафтоли, 300 туп олхўри — жами 2752 туп мевали дарахт, 300 туп терак, 900 туп акация гуркираб ўсмоқда. Турфа мевали ҳосил мебель корхонаси ишчи-хизматчиларига арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Яхшидан боғ қолади, деган ҳикматли нақлга амал қилган М. Отабеков раҳбарлигидаги боғбонлар савоб остида қолдилар. Чунки, дарахт мевасидан ким истеъмол қилмасин, унинг раҳмати шу дарахтларни экқан одамларга тегади.

Собир МАҲМУДОВ.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

1996 йил 11 сентябрь № 72 (10.847)

● *Гапдан амалий ишга* ● *Буюртмангиз бўлса, бажарилади* ●

БЕТГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ЙЎҚ

МУАММОЛАР ҚАЧОНГАЧА ЕЧИМИНИ КУТАДИ

ТАБИАТНИ муҳофаза қилиш, уни асл ҳолида сақлаш ва келажак авлодга етказиб бериш ниҳоятда масъулиятли вазифадир. Собиқ иттифоқ даврида эса бу масалага етарли эътибор берилмасди. Кўп ҳолларда кўр-кўрона иш юритиларди. Қурилаётган саноат корхоналари, ташкилотлар, муассасаларнинг атроф-муҳитга қанчалик зарар етказиши умуман ҳисобга олинмасди. Оқибатда ҳавони, сувни ифлослантириш ниҳоятда кучайиб кетди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин бундай лоқайдликка барҳам берилмоқда. Атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш катта давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа деб белгиланди, ҳамда бу йўлда қонунлар, кўпдан-кўп қарорлар ва фармойишлар қабул қилинди. Шу туфайли ҳам табиатга зарар етказишни камайтириш йўлида муайян ютуқларга эришилди. Лекин, ҳали бу соҳада жуда кўп иш қилиш талаб этилади.

Кейинги йилларда автотранспорт воситаларини газ ёқилғиси билан ишлашга ўтказиш кўлами кенгайди. Лекин, бу соҳадаги ишлар талабга жавоб бермаяпти. Бунинг сабаби шундаки, автомашиналарга газ ёқилғисини қуйиш асбоб-ускуналари ҳали етарли эмас. Улар на вилоятимизда, на республикамизда ишлаб чиқарилмайди, четдан келтирилади. Бу билан эҳтиёжни тўла қондириш амри-маҳол. Газни тозалаш асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим бўлиб қолди. Чунки, бундай мосламалар етишмаяпти. Республикамизда бундай мосламаларни ишлаб чиқарувчи корхонани барпо этиш вақти келди. Республика ҳукумати бу муҳим муаммони ҳал қилишга эътиборни кучайтирса, айни муддао бўлур эди.

Яна бир масала ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Махсус аҳлатхоналар бўлиши лозим. Бу ҳам ўз навбатида табиатни муҳофаза қилиш объекти ҳисобланади. Кўп ҳолларда уларни барпо этиш мушкул бўлаяпти. Чунки, аҳлатхоналар учун ер майдони ажратишга ҳам ҳақ тўлаш талаб этилмоқда. Бизнингча, бу тартибдан воз кечиш керак. Шундай майдонларни пулсиз расмийлаштириш жорий этилиши лозим. Чунки, маблағнинг етишмаслиги аҳлатхоналарни барпо этишни кечиктирмоқда.

Туманимиздаги Беруний номли, «Ўжакент», «Гулистон» жамоа хўжаликларида шундай бўляпти. Бу масалани ҳал қилиш вақти келди.

Яна бир муаммо бор. Табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг нозирлари атроф-муҳитга зарар келтираётганларни аниқлайди. Шу ҳақда материалларни тайёрлаб, суд ҳукмига ҳавола этади. Судлар эса айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортади, бунинг учун улардан жарима ҳам ундиради. Бу жарима эса судларнинг ҳисоб-китоб варақасига ўтказилади. Ваҳоланки, уларни экологларнинг ҳисоб-китоб варақасига ўтказиш лозим. Шундай қилинса, табиатни муҳофаза қилувчиларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги янада кучаяди.

Ҳозир ортиқча маблағ ҳеч кимда йўқ. Лекин, шунга қарамай, атроф-муҳитга меёридан ташқари чиқиндилар ва зарарли моддалар тарқатганлиги учун тўловлар вақтида тўланиши керак. Бу маблағнинг анчагина қисми табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга сарфланади. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, вақтида тўланмаган тўловлар учун уларни мансабдор шахслардан ундириб олиш тўғрисидаги қоида жорий қилинса, ёмон бўлмайди. Бундай шароитда тўловлар ўз вақтида тўланарди, албатта.

Туманимиз ҳудуди 560 минг гектардан ортиқ майдонни ташкил этади. Унинг 34 минг гектардан ортиғига экинлар экилмоқда. Туманда 10 та саноат корхонаси, 13 та жамоа хўжалиги, қатор фермер хўжаликлари, агрофирма, саноат мажмуаси, автотранспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва бошқа ишлаб чиқариш бўлинмалари бор.

Бундан кўриниб турибдики, туманимиз ҳудуди катта бўлиб, назорат қилинадиган манбалар ҳам турли-тумандир. Туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида эса бор-йўғи уч киши ишлайди. Албатта, бу ишларни талаб даражасида олиб бориш учун етарли эмас. Шу сабабли махсус давлат нозирлари штатини ҳам жорий қилиш лозим. Бизга атмосфера ҳавосини, сув, ер, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича тўрт нафар нозир лозим. Бу масала ижобий ҳал қилинса, ишимиз самараси анча ортар эди.

Т. ОРИФХОНОВ,
Қуйичирчиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

Янгилик

БИРИНЧИСИ ИШГА ТУШДИ

ҲОЗИРГИ вақтда атроф-муҳитни мусаффо сақлашни таъминлашни ҳаво, сув, тупроқлар ҳолатини тез ва сифатли таҳлилсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам вилоятимизда экологик мураккаб минтақаларда махсус лабораторияларни ташкил этиш ва ускуналашга киришилди.

Бундай лабораториянинг биринчиси Оҳангарон шаҳрида барпо қилинди. Бу минтақа экологик жиҳатдан ниҳоятда мураккаб ҳисобланади. Унда Оҳангарондан ташқари Олмалиқ, Ангрен, Янгиобод шаҳарлари каби саноат марказлари — атроф-муҳитни кўп даражада ифлос қилувчи манбалар бор.

Лабораторияни ташкил этишда Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги яқиндан ёрдам берди. Бунинг учун зарур бино ажратди. Бир неча хонадан иборат бу бинода лабораториянинг турли бўлимлари жойлашган. У замонавий текшириш мосламалари билан тўла таъминланган. Лабораторияда атмосфера ҳавоси ҳолатини, тупроқ таркибини, сув манбаларининг тозалик ва ифослик даражасини белгиловчи анжомлар ўрнатилган.

Лаборатория хўжалик ҳисоби асосида ишлайди. Шунинг учун унинг хизматидан барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, ҳатто аҳоли ҳам фойдаланиши мумкин. Лаборатория ходимлари эса уларнинг илтимосларини бажаришга доим тайёрдирлар.

Оҳангаронда очилган бу лаборатория вилоятда бундай муассасаларни барпо этиш йўлидаги дастлабки қадамдир. Бу иш яна давом эттирилади. Яна уч минтақада шундай лабораторияларни очиш назарда тутилмоқда.

Чара ИВАНОВА.



«Заркент» жамоа хўжалиги ўзининг боғ-роғларию мевазорлари билан донг таратган. Ҳар йили минглаб тонна сердармондори маҳсулотлар аҳолига етказиб берилмоқда. Ушбу сурат Паркент туманидаги шу хўжалик олмазорида олинган.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ихтисослашган таъмирлаш-монтаж бошқармаси қуйидаги иш турлари бўйича Сизнинг буюртмаларингизни бажаради:

— чанг-газ-сув тозалаш асбоб-ускуналарини таъмирлаш ва уларга эҳтиёт қисмлар тайёрлаш;

— ностандарт чанг тозалаш асбоб-ускуналари — циклонлар, скрубберлар, вентиляторларга ишчи ғилдираклари ва бошқа мосламалар тайёрлаш;

— вентиляция тизимларини тайёрлаш ва монтаж қилиш;

Фойдаланилаётган чанг-газ-сув тозалагич асбобларини фақат бизда тез, сифатли, ишонарли таъмирлашингиз мумкин.

Манзилимиз: Олмалиқ ш., ИТМБ.
Телефонлар: 97-71-35, 97-74-91. Код — 261.

ЕР «КАСАЛИ»НИ ДАВОЛАСА БЎЛАДИ

ВИЛОЯТ табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида ер ресурслари ва кимёвий воситаларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича давлат нозирлари семинари ўтказилди.


Семинарни ўтказишдан мақсад нозирларнинг бу масалага эътиборини кучайтириш эди.

Семинарда турли хил емирилишлар таъсирида тупроқ таркиби бузилишининг олдини олиш, бузилган ерлардан қайта фойдаланиш учун техник, агробиологик тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, суғориладиган ерларга хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун зарур тадбирларни кўриш, турли хил кимёвий моддалар ва минерал ўғитларнинг тупроққа салбий таъсирини камайтириш, бунинг учун ўсимликларнинг турли касалликлари ва зараркунандаларга қарши курашнинг биологик усулларидан кенгроқ фойдаланиш масалаларига алоҳида аҳамият берилди.

Айни вақтда айрим давлат нозирлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни уддалай олмаётганликлари, натижада ер ресурслари ва кимёвий воситаларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланишда катта-катта камчиликларга йўл қўйилаётганлиги таъкидланди. Улар қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда агротехника талабларига жавоб берилиши устидан етарли назорат олиб бормаяптилар.

Семинар қатнашчилари ер ресурслари ва кимёвий воситалардан самарали фойдаланишга салмоқли ёрдам бераётган нозирларнинг иш тажрибалари билан ҳам танишдилар.

К. РОЗИҚОВ.



● Ҳар бири «тилло»га тенг ●

ОМБОР ЁПИБ ҚЎЙИЛДИ

МИНЕРАЛ ўғитлари ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда ишлатиладиган турли заҳарли моддаларни сақлашда белгиланган тартибга амал қилиш талаб этилади. Лекин, кўп ҳолларда унинг қўпол бузилишига йўл қўйилмоқда. Қуйичирчиқ туманида ўтказилган текшириш ҳам шуни кўрсатди.

Бу лоқайдлик

Масалан, «Меҳнатобод» жамоа хўжалигининг кимё моддалари омбори қаровсизлик оқибатида талабга жавоб бермайдиган ҳолга тушиб қолган. Атроф деворлари бузилган, ёғингарчилик вақтида томидан чакка ўтади, бунинг устига кимёвий моддалар сочилиб ётипти. Бундай нохуш аҳвол илгари ҳам аниқланиб, хўжалик раҳбарлари огоҳлантирилган эди. Лекин, у кор қилмади. Шуни ҳисобга олиб, экологлар омборни ёпиш ҳақида қарор чиқардилар. Омбор масъулияти зиммасига юклатилган мансабдор шахс ҳам жазосиз қолмади. Бефарқлик натижасида юзага келган бундай аҳвол бошқа хўжаликларда ҳам учради. Уларнинг маъмуриятларига камчиликни тезда бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Собир ҲАМИДОВ.



ЯЙЛОВДА.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат.

ЎЗБОШИМЧА БЎЛМАНГ, ЖАРИМА ТЎЛАЙСИЗ!

РЕСПУБЛИКАМИЗ ҳайвонот дунёси йил сайин камбағаллашиб бормоқда. Ҳар йили ҳайвонларнинг у ёки бу тури умуман йўқолиб кетяпти. Шунинг учун ҳам уларни муҳофаза қилиш долзарб масала бўлиб қолди. Шу туфайли кейинги вақтларда ҳайвонлар ва паррандаларни ов қилишда тартибни янада мукаммаллаштиришга мажбур бўлинмоқда. Бу ҳақда янги қонун-қоидалар ишлаб чиқилиб, жорий қилиняпти.

Қуйида эса ноқонуний ов қилиш ва балиқларни тутиш оқибатида табиатга етказилган зарарни айбдорлардан ундириб олиш бўйича жорий қилинган янги тартиб билан таништирамиз. Уни билиб қўйсангиз зарар қилмайсиз, ўзингизни бундай «гуноҳ» ишлардан тийиб турасиз.

Қуйида ноқонуний ов қилиш ва балиқ тутиш натижасида келтирилган зарарни қоплаш учун айбдорлардан ундириб олинадиган жарима тўлови миқдори эълон қилинмоқда.

Ҳар бир жонивор учун (боши, териси, шохи ва ҳоказо) ёши, ўлчами, вазни, жинсидан қатъий назар ундириладиган жарима тўлови миқдорлари:	энг кам иш ҳақига нисбатан коэффициент ҳисобида	Чет эл фуқаролари учун АҚШ долларида
«ҚИЗИЛ КИТОБГА» КИРИТИЛГАНЛАРИ:		
Сут эмизувчилар		
Геапрд, қоплон, тарғил сиртлон, тоғ қоплони	120	10000
Морхўр	120	6000
Архар	100	5000
Хонгул (Бухоро буғуси), Тянь-Шань қўнғир айиғи, Устюрт қўйи, Тянь-Шань қўйи, жайрон, Тожикистон қўйи, асалхўр, Ўрта Осиё қундузи, Қоракол, Туркистон силовсини	100	2500
Суғур, кулон, манул	75	2000
Сут эмизувчиларнинг бошқа турлари	25	500
ОВ ҚИЛИНАДИГАН ТУРЛАРИ:		
Тўнғиз, тоғ эчкиси, оқ қуйруқ (сайгак)	20	700
Буғу	20	300
Тоғ сувсари, норка, қизил суғур, оқсувсар, ондатра	10	100
Тулки, қорсақ, нутрия, чиябўри, ёввойи мушуклар	8	50
Бўрсиқ, жайра, дашт сассиққузони	5	50
Қуён, латча, типратикон, кўршапалаклар, бошқа сут эмизувчилар, ўрмончилик, қишлоқ хўжалик ва овчилик хўжаликлари зараркунандаларидан ташқари, хавфли инфекциялар тарқатувчилар	1	25
Оққуйруқлар, буғулар, эчкилар, қўйлар шоҳлари	ушбу турнинг бошига мувофиқ	
Мўйнадан тайёрланган буюмлар	ушбу буюмдаги терилар сони бўйича	
ПАРРАНДАЛАР:		
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ҚИЗИЛ КИТОБИ»ГА КИРИТИЛГАНЛАРИ:		
Шахин, балобан, сапсан	120	10000
Оққуш, бирқозон, сувбургут, тувалоқ, балиқхўр, кичик бургут, ўлимтикхўр бургут, чўл бургути, болтаютар, қирғий, илонхўр	100	5000
Йўрға тувалоқ, оқбовур	50	1000
Мармар чуррак ва «Қизил китоб»га киритилган бошқа парранда турлари	25	500
ОВ ҚИЛИШ ТАЪҚИҚЛАНГАН ПАРРАНДА ТУРЛАРИ:		
Турналар, қўтонлар, қорабош баликчи, қошиқбурун, қоравой қуш ва бошқа йиртқич қушлар	10	300
ОВ ҚИЛИНАДИГАН ТУРЛАРИ:		
Қирғовул, ғоз, уларнинг барча турлари	2	150
Ўрдаклар, какликлар, кўлбуққалар, крохалларнинг барча турлари	0,5	100
Чурраклар, қашқалдоқлар, кабутарлар, мусичалар, беданалар, балиқчи қушлар, сажалар, қорабовур	0,2	75
Қушларнинг бошқа турлари	0,05	50
СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР:		
«ҚИЗИЛ КИТОБ»ГА КИРИТИЛГАНЛАРИ:		
Кобра, кулранг эчкиэмар, бошқа турлар	75	2000
СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАРНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ:		
Гюрза	20	500
Чархилон, қалқонтумшуқ, қора илон	5	300
Заҳарсиз илонлар	2	200
Тошбақа, калтакесаклар, гекконлар, агама ва бошқа турлар	2	150
ҚУРУҚЛИКДА ВА СУВДА ЯШОВЧИЛАР:		
Қурбақалар, бақалар	0,05	10
БАЛИҚЛАР		
«ҚИЗИЛ КИТОБ»ГА КИРИТИЛГАНЛАРИ:		
Орол сўзанабалиғи, куракгумшуқлилар, бакрабалиқ, (осетер), филмойлар	5	500
БАЛИҚЛАРНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ:		
Лаққабалиқ, ўсимликхўр балиқлар, зоғорабалиқ, оққайроқбалиқ	1	100
Иссиққўл хонбалиғи, қалқонбалиқ, камбала, Туркистон сўзанабалиғи	0,8	50
Судак, қорабалиқ, буффало, зоғорабалиқ, товонбалиқ, илонбалиқ, чўртанбалиқ, лешчлар	0,5	30
Самарқанд хромуласи, тараша балиқ, мойбалиқ, қизилкўз балиқ, вобла, қутум	0,1	10
Оққўз, қизилқанот ва қимматли бўлмаган бошқа турлари	0,05	5
УМУРТҚАСИЗЛАР:		
«Қизил китоб»га киритилганлари:	10	300
Заҳарли умуртқасизлар	0,5	5
Чучук сув қисқичбақаси	0,05	3
Бошқа қисқичбақасимонлар (1 кг. учун)	1	10
Коллекция қилиш ва музейга қўйиш қимматига эга бўлган турлари	халқаро каталоглар баҳолари бўйича Ўзбекистон Республикаси пул бирлигига айлантириб ҳисоблаш билан	
Бошқа умуртқасизлар, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалигига бевосита зарар келтирувчилар, хавфли инфекцияларни ташувчилардан ташқари	0,02	1
Заҳарлар	бир грамм заҳар олиш учун зарур бўладиган жониворлар сони ҳисобидан келиб чиқиб, унга нисбатан ўн баравар ошиқ миқдорда	
Яшаш учун зарур бўлган бошқа маҳсулотлар (ўт пуфаги, мушак безлари ва бошқалар)	шу ҳайвонга етказилган зарар учун тўланадиган пулга мувофиқ	
Мўмиё (1 гр. учун)	0,02	1
Ин, уяларни бузганлик учун, қўриқхона, миллий боғ, заказниклар, табиат ёдгорликлари, махсус питомниклар, қўриқхоналар ва бошқа муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг қўриқланадиган минтақалар ҳудудларида ҳайвонларни тутиб олганлик учун	Шу турга етказилган зарар учун олинадиган пулга нисбатан 3 баравар ошиқ жарима	
«Қизил китоб»га киритилган жониворларнинг олинган ҳар бир тухуми, полапони, ноқонуний тутиб олинган урғочи жониворларнинг рептилия эмбриони ёки тухуми учун	Шу турга етказилган зарар тўловининг 50 фоизи	
Ҳар бир олинган тухум, жўжа учун, шунингдек, қонунсиз тутиб олинган урғочи жониворнинг ҳар бир эмбриони учун	Шу турга етказилган зарар тўловининг 25 фоизи	
Ёввойи ҳайвонлар яшайдиган жойлардаги тўқайларни, ёш дарахтлар ва ўрмонга экилган кўчатлар, буталар, бошқа ўсимликларни ёқиб юбориш ва кундаков қилганлик учун (1га. учун)	2	100
	алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда тўлов миқдори уч баравар ошиқ	
Ёввойи ҳайвонлар яшайдиган жойлардаги қамишзорлар ва бўш ётган ерларнинг ўт-ўсимликларини ёқиб юборганлик ва ҳайдаганлик учун (1га. учун)	1	50
	алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда тўлов миқдори учун уч баравар ошиқ	
Ҳалокатга учраётган ёввойи ҳайвонларни (ёнғин, сув тошқини, ем-хашак қаҳатчилиги ва бошқалар), жонивор яшаши учун хос бўлмаган шароитларга (муз устида, сув ва ҳоказо) тушиб қолганда, шунингдек, тунда ёритиш анжомлари билан транспорт воситалари, моторли қайиқлар ва катерлар, самолётлар ва вертолётлардан ўлдирганлик учун.	Шу турга етказилган зарар тўловига нисбатан 3 баравар ошиқ	

МУНОСАБАТНИ ЎЗГАРТИРИШ КЕРАК

ЎСИМЛИКЛАРНИ биологик усул билан турли хил қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилишнинг афзалликларини эндиликда ҳамма тан олмоқда. Ундан анчагина маблағни тежаб қолиш қатори экологик аҳволни яхшилашга ижобий таъсир қилади. Айни вақтда самараси ҳам яхши бўлади, экинларга ҳеч қандай зарар етказмайди.

Хорижий мамлакатларда экинларни ҳимоя қилишнинг бу усулига эътибор ниҳоятда кучайиб кетганлигининг сабаби ҳам шундадир. Ҳозирги вақтда чет элларда бундай фойдали ҳашаротлар, яъни энтомофагларнинг салкам 300 тури ишлатилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда эса бу усул эндигина оммавийлашиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ҳашаротларнинг фақатгина 5 — 6 хилидан фойдаланиляпти.

Биологик усулга — кенг йўл

Вилоятимизда ҳам қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг бу усулига сўнгги йилларда катта эътибор бериляпти. Кейинги ўн беш йил ичида 32 та биофабрика қурилди. Уларнинг айримлари ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳам самарали ишлаб, фойдали ҳашаротларни кўплаб тайёрлаб бермоқда. Айниқса, Бекобод туманида барпо этилган Б. Мирзакаримов номли хўжаликлараро биология фабрикаси жамоасининг салмоқли ишини қайд қилиш лозим. Биргина ўтган йили шу жамоа кўпайтириб берган фойдали ҳашаротлар минглаб гектар экин майдонларига қўйиб юборилди ва экинлар зараркунандаларига қирон келтирди. Фабрика жамоаси эса тўрт миллион сўмликдан кўпроқ даромад олди.

Бироқ кейинги вақтларда вилоятимиздаги қатор биофабрикалар ўз фаолиятини сусайтириб юборди. Бу маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар, хўжаликлар раҳбарларининг уларга нисбатан эътиборсизлиги оқибатидир. Ҳозирги вақтда мавжуд бундай фабрикаларнинг тўққизтаси умуман тўхтаб қолган, қолганларининг айримлари тўла қувват билан ишламаяпти. Афсусланарлиси шундаки, ишламаётган кўпгина фабрикаларнинг қимматбаҳо асбоб-ускуналари талон-торож қилинмоқда, уларнинг бинолари бошқа мақсадлар учун, жумладан, омбор, тегирмон ва ҳоказолар учун фойдаланиляпти.

Шундай бефарқлик оқибатида биологик усулларни қўллаш ортиш ўрнига камайиб кетмоқда. Масалан, ўтган йили ишлатилган экинлар майдони 1992 йилдагига нисбатан 108 минг гектар қисқарди. Бу муайян даражада бозор иқтисодиётига ўтиш даврига хос бўлган қийинчиликлар билан ҳам боғлиқ, албатта. Фойдали ҳашаротларни етиштириш учун зарур бўладиган айрим хом ашё ва материаллар танқислигининг таъсири ҳам бор. Лекин, қидирилса имконият топилади. Бекобод туманидаги биофабрика жамоасининг тажрибаси шундан далолат бериб турибди-ку. Албатта, мутасадди ташкилотлар бу муҳим иш билан етарли қизиқишганида ҳозирги аҳвол юзага келмасди.

Биофабрикаларга муносабатни тубдан ўзгартириш лозим. Уларнинг тўхтаб қолганларини қайтадан ишга тушириш, бунинг учун барча имкониятларни ишга солиш, уларнинг маҳсулотларидан фойдаланувчи хўжаликлар томонидан моддий ёрдам берилишига эришиш лозим. Чунки, бундай корхоналар фаолиятидан аввало шу хўжаликлар манфаатдор бўладилар.

Албатта, маҳаллий ҳокимликлар ҳам фабрикалар фаолиятини жонлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда уларга ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим.

Чара ПЕРЕПЕЛИЦИНА,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бош мутахассиси.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1996 йил 11 сентябрь № 72 (10.847)

Бу ажиб дунё ● Билиб қўйсангиз нафи тегади





ҲАР НАРСАГА ҚОДИР ОНА ТАБИАТ!

● Замини мустаҳкам ёнғоқ.

* * *

● Чирмашган шохлар.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ ва Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ олган суратлар.

ТУРФА ОЛАМ

ҲАЙКАЛ — УЙ

● АРМАНДО Гарсиа, ўзининг айтишича, аёлларни нихоятда ҳурмат қилади. Шунинг учун ҳам у гўзал жинснинг онадан туғилган вақтидаги кўринишини абадийлаштириш ҳаракатига тушиб қолди. У аёлларнинг 15 метрли ҳайкалини яратди. Бунинг учун у бутун топган-тутганини сарфлади. Ҳатто, рўзғор буюмларини сотди.

Қадрдон Тижеуан шаҳрида яшовчи 42 ёшли бу киши катта ҳайкални уй қилиб мослади. Гарсиа оила қуришга аҳд қилди ва ўзининг янги умр йўлдошини ҳайкал-уйга олиб келиб, шу ерда яшажакларини маълум қилди. Хотинининг ғазаби чексиз бўлса ҳам, бошқа иложи йўқ эди, кўнишга мажбур бўлди. Орадан уч йил ўтгач, бир ярим метр кенгликдаги ошхонада таомларни пиширишга ўрганди. Ошхона ҳайкалнинг қорнида жойлашган эди. Ҳайкалнинг кўкрагида жойлашган калаватда у ухлайдиган бўлди.

ЧАНГНИ... ПУЛ ҚИЛИШ

● АНГЛИЯДАГИ Уорчестер музейи хизматчилари пул ишлашнинг ғайри табиий йўлини топишдики, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Улар маблағ ишлаш учун чанг билан савдо қилишни уюштирдилар. Чангни харид қилувчилар ҳам топилиб қолди. Натижа шундай бўлишини ўзлари ҳам ҳаёлларига келтирмаган эдилар.

«Бир асрлик чангни сотиб олинглар» — музейга кираверишда осиб қўйилган реклама плакатига шундай деб ёзиб қўйилган. Буни қаранг-ки, шу реклама ҳам иш бераяпти. Қадимги экспонатлардан оҳиста сидириб олинган чанг ёрқин идишга солинмоқда. Уни музейга ташриф буюрган томошабинлар сувенир сифатида харид қилмоқдалар. Айниқса, XVIII-XIX асрлар чинни буюмлари тўпламлари чанги «асрлар чанги» сифатида қимматга сотилмоқда. Ҳа, чангдан пул қилиш ҳам ҳеч гап эмас экан.

ЯНА БИР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК

● АҚШда янги хасталик тарқалаётгани қайд қилинди. У билан оғриганларнинг ҳарорати баланд бўлади, суяклари ва мушаклари қаттиқ зирқираб оғрийди, инсоннинг ташқи қиёфаси аянчли бўлади. Касалликнинг сўнгги босқичида мияга қон қуйилиши юз беради ва бу халокатга олиб келади.

Тирик қолганлар бадбашарага айланади, териси қалинлашади, қулоқлари худди чўчқаларники каби тик туради, газеталарнинг тасдиқлашича, ҳатто, дум пайдо бўлади. «Кочино» ёки «чўчқа вируси» деб аталмиш бу вирус АҚШга Колумбия ёки Бразилиядан келган, деб тахмин қилиняпти. Ҳозирги вақтда тиббиётчилар бу дахшатли вирусни жиловлайдиган вакцинани яратиш устида шошилинч тарзда ишламоқдалар.

ЧАҚМОҚ КУЧ БАҒИШЛАДИ

● АВСТРИЯНИНГ Шванебах қишлоғида истиқомат қилувчи ўн уч ёшли Лотта Гофмайстер яқиндан бошлаб жуда машҳур бўлиб кетди. Ташқи қиёфаси билан тенгқурларидан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайдиган бу қизалоқ ўз ёшига нисбатан ниҳоятда кучли жисмоний қувватга эга бўлиб қолди. Бу содир бўлган кучли момақолдироқдан кейин бошланди, шу вақтда Лотта кенг далада юрган эди.

Момақалдироқ бўлиб ўтганидан кейин қизалоқ уйига қайтди. Қишлоқ йўлида пода-дан ажралиб чиққан новвосга дуч келди. Лотта унинг важоҳатидан бироз бўлса ҳам чўчимади. Новвосни шохларидан ушлаб, ағдармоқчи бўлди. Жонивор қаршилик кўрсатиш у ёқда турсин, қаттиқ маъраб жуфтакни ростлаб қолди. Орадан бир неча кун ўтгач, қишлоқда байрам бўлди. Бу айёмда йигитлар куч синашдилар. Тўсатдан Лотта ҳам майдонга тушиб, ўзаро беллашаётган икки азаматни кўтариб ерга йиқитди. Қизалоқ бундай табиий кучни қаердан олдийкин, деган савол бу вокеалар иштирокчиларини ўйлантириб қўйди. Тахмин қилишларича, Лотта электр разрядли энергиясини ўзига сингдириши туфайли шундай катта кучга эга бўлиб қолган.

ШАҲАРЛИКЛАР КЎПАЙМОҚДА

● КУРРАИ заминимиз шаҳарларида яшовчилар сони жадал кўпайиб бормоқда. Бу эса олимларни ташвишга соляпти. Чунки, бундай аҳвол кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги вақтда Ер юзида шаҳарлар аҳолиси сони ҳар ҳафтада бир миллион кишига кўпаймоқда. Бу ўз навбатида шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси ўртасидаги номутаносибликни кучайтиришга олиб келади. Айни вақтда қашшоқлик, очлик, ишсизлик эпидемиянинг юзага келишига, жиноятчиликнинг ортишига, атроф-муҳит булғанишининг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Италиялик футуролог Рикардо Пертелланинг таъкидлашича, бундай шароитда юзлаб миллион кишилар яширин савдо эвазига яшашлари, жумладан, гиёҳванд моддалар, болалар, инсон аъзолари ва қурол-яроғларни сотиш билан шуғулланишга мажбур бўладилар.

Агар 1950 йилда фақатгина иккита шаҳар — Нью-Йорк ва Лондонда аҳоли сони 8 миллион кишидан ошикроқни ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда бундай шаҳарлар 22 тага етди. Энг олдинда Япония пойтахти туради. Бу шаҳарда 26,8 миллион аҳоли яшамоқда. Бу рўйхатнинг охирида Москва туриб, унда яшовчилар сони 9,2 миллион кишидан иборат. Экспертларнинг ҳисоблашича, 2015 йилга келиб аҳолиси 8 миллиондан ошиқ шаҳарлар сони 33 тага етади, бундай шаҳарларнинг 21 таси Осиё қитъасида жойлашган бўлади.

Ҳар тўғрида

ЯРИМ МИЛЛИАРДГА ЕТДИ

● ҲОЗИРГИ вақтда сайёрамиз кўчаларида қатнаб турган автомашиналар сони нечтага етганлиги кўпчиликни қизиқтирса керак. Аниқ ҳисоб-китобларга қараганда, инсонлар хизматида бўлган бундай беминнат «дастёрлар»нинг ярим миллиарди қатнаб турипти.

Кейинги асрнинг йигирманчи йилларига бориб, сайёрамизнинг автомобиль саройи икки баровар ортади ва бир миллиардга етади. Жаҳон бўйича энергия сарфиёти ҳам икки марта ошади. Буларнинг ҳаммаси «иссиқлик самараси»нинг кескин ортишига олиб келади. Оқибат натижада ерда ҳарорат ошиб, музликлар эриб, жаҳон уммони сатҳи кўтарилиб кетиши мумкин. Кўпчилик катта шаҳарлар денгиз бўйларида жойлашгани учун улар сув остида қолиб кетишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли бўлмайди. Жаҳон ресурслари институтининг тахминлари тўғри чиқса, энг узоғи билан 2050 йилга бориб, Нью-Йорк, Стамбул ёки Банкок афсонавий Атлантида тақдирига шерик бўлиши ва денгиз остида қолиб кетиши мумкин.

ҚУШЧА ҚУТҚАРИБ ҚОЛДИ

● БУ ВОҚЕА яқинда Ростов-Донда содир бўлди. Бир аёл ўзининг далабоғида ўрикларни консерва қилишга тайёрлаётган эди. Тўсатдан митти кулранг қушча унинг атрофида айланар, тўхтамасдан чуғур-чуғур қилар, аммо аёл эътибор беравермагач унинг қўлларига, елкасига, бошига қўнар, ҳатто тумшуқчалари билан аста чўқиб қўярди. У аёлни қандайдир хавфдан воқиф қилмоқчи бўларди.

Аёл қушни ҳайдар, ҳеч нарсага тушунмасдан теварак атрофига олазарак бўлиб қарар экан, тўсатдан турган жойида қотиб қолди: унинг оёқлари остида илон кулча бўлиб ётарди. Аёл уни ўлдириш учун таёқ топиб, жойига қайтиб келса, илондан ном-нишон қолмаган эди. Шундан кейин қушча ҳам учиб кетди.

БОҚИЙЛИК БОҒИ ҚАД КЎТАРМОҚДА

● СИЧУАН вилоятидаги Пеншон уезди, фақат, Хитойдагина эмас, бошқа мамлакатларда ҳам машҳур ва маълум. Бунинг боиси бор, албатта. Бу ерда Пенцзу исмли инсон туғилган ва яшаган. Ривоятларга қараганда, у сал кам саккиз аср ҳаёт кўрган экан. Ярим эртак, ярим ҳақиқий бўлган бу кишининг узоқ умр кўришининг омилларидан бири шунда эканки, у киши баданининг ҳаётий энергиясини бошқариш санъати — «Цигун»ни ўз амрига бўйсундиришда моҳир бўлган, бу соҳада ҳеч ким унга тенг келолмаган. Халқ оғзаки ижодида шундай деб тасдиқланади.

Бу ердаги деҳқонларнинг айрим гуруҳи Пэнцзу саккиз юз йил яшаган деса, иккинчи гуруҳи «фақатгина» уч аср умр кўрган, деб аташади. Бу келишмовчилик ҳамон давом этмоқда. Зеро, герентолог олимлар бу бахсни қуруқ сафсата деб ҳисоблайдилар. Аммо, бу уезд ўзига хос узоқ умр кўрувчилар маскани деб ҳисобланади. Бунинг учун тўла асос бор. Бу ерда бир аср ва ундан ортиқ умр кўрувчилар сони курраи заминимизнинг исталган жойидаги шундай кўрсаткичга нисбатан 18 баравар ортиқдир.

Бу ерни зиёрат қилувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Ҳар йили мамлакат ва чет эллардан юз минглаб сайёҳлар шу уездга ташриф буюрадилар. Маҳаллий ҳокимият бу ишни янада ривожлантириш учун боқийлик боғи барпо этишга қарор қилди. Бу боққа келганлар ўлка тарихи, шунингдек, маҳаллий аҳолининг узоқ умр кўриши сирлари билан танишиш имконига эга бўладилар.

ОВ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА

ОВ ИШҚИБОЗЛАРИ орзиқиб кутган палла — кузги-қишки ов мавсуми ҳам бошланди.

Куз овчилар учун олтин давр ҳисобланади. Улар ўтлоқларда беданалар, қуёнлар, сув ҳавзаларида ўрдакларни отишлари мумкин. Кузда тоғ ови ихлосмандлари учун ҳам кенг имкониятлар очиб берилади. Какликлар, тоғ эчкиси ва буғуни овлашларига рухсат этилади.

Бироқ, куролни қўлга олишдан олдин ов қилишнинг аниқ муддатларини ва бу йилги мавсумнинг ўзига хос қоида-тартибларини яхши билиш лозим. Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги республика ҳайвонлар, ўсимликлар дунёси ва қўриқхоналарни мухофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш давлат инспекцияси мутахассиси Баҳодир Эшонхўжаев бу ҳақда жамоатчи мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Аввало шуни айтиш керакки, овчининг энг муҳим бурчи табиатга асраб-авайлаб, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишдир. Унинг ресурслари ўлчоғлик бўлганлиги учун фақат бугунни эмас, эртанги кунни ҳам ўйлаш лозим. Шунинг учун ҳамма нарса меёрида бўлиши зарур. Мамлакатимизда жорий этилган ов қилиш қоидаларига оғишмай амал қилиш талаб этилади.

КУРОЛНИ БИЛИБ ИШЛАТИНГ

Бизда бедана, кабутар, кумри ови анъанага мувофиқ 17 августдан бошланади. Беданани овлаш 10 ноябргача, қолган икки парранда турини ов қилиш 29 декабргача давом этади. Чуғурчуқлар, балиқчи қушларни ов қилиш эса 10 августда бошланади. Бу ов тури 29 декабрда тўхтатилади.

Барча турдаги ўрдаклар, қашқалдоқ, қоравойни 14 сентябрдан 29 декабргача ов қилиш мумкин. Фозларни овлаш эса 8 сентябрдан бошланиб, юқоридаги муддатда тўхтатилади. Какликлар ва уларни ов қилиш муддати 12 октябрь билан 30 декабрь оралиғидадир.

Кенг жамоатчиликнинг талаби билан ёввойи паррандаларни сақлаш мақсадида ҳар бир ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанбаси улар учун осойишталик кунлари қилиб белгиланган. Шу кунларда бирорта ўқ овози янграмаслиги лозим.

Жониворлардан бўрсиқ ва жайра ови 15 сентябрдан бошланиб, 30 ноябрда тўхтатилади, қуённи ов қилишга 15 октябрдан рухсат берилади ва у келгуси йилнинг 30 январигача давом этади. Барча мўйна берадиган ҳайвонлар — тулки, қундуз, тоғ сувсари (лицензиялар бўйича) корсак, чиябўри, ёввойи мушуклар ва бошқаларни ов қилиш 15 ноябрдан бошланади ва келаси йилнинг 1 февралида тўхтатилади.

Кўпчиликни тоғ эчкиси ва тўнғиз овлаш учун рухсатнома олиш муддатлари қизиқтирса керак. Бундай ҳужжат эса 15 сентябрдан берила бошланади. Овнинг бу тури 30 декабргача давом этади.

Қўлда куроли билан ов қилишга отланган ҳар бир овчи шуни унутмаслиги керакки, унинг ягона назоратчиси виждонидир. Ов қилиш аввало спортдир, табиат ва унинг ҳайвонот дунёси бебаҳо бойлигимиздир, уни асраш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ов қилишда белгиланган тартиб ва муддатларга амал қилиш лозим, акс ҳолда тегишли жавобгарликка тортилади.

М. МАҲМУТОВ.

Материалларни Тошкент вилояти табиатни мухофаза қилиш қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрлашган.



МАНТИЙЯ – «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» СОҲИБИ

Мана бир неча кундирки чинакам теннис ихлосмандларининг нигоҳлари «Юнусобод» теннис мажмуига қадалиб турди. Бу ерда 2-сентябрь куни тантанали равишда очилган «Президент кубоги» учун учинчи халқаро теннис мусобақаси 8-сентябрь куни ниҳоясига етди.


Дастлабки кунданоқ ўзининг чиройли ва тезкор ўйини билан мухлислар эътиборига тушган испаниялик Феликс Мантийя барча учрашувларни мағлубиятсиз ўтказиб, юксак соврин эгаси бўлди. Томошабинлар ва теннис ихлосмандлари Мантийянинг олис Испаниядан келганлигини ва у ПТА рўйхати бўйича 16-ўринни эгаллаб келаётганини яхши билишарди. Бир сўз билан айтганда, у мазкур турнирнинг «биринчи ракеткаси» сифатида майдонга тушганлиги маълум эди.

Қизиқарли ва сермазмун ўтган ҳар бир учрашув ёш теннис ихлосмандлари учун чинакам тажриба мактаби бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Тошкентга ташриф буюрган кучли теннисчилар орасида Мантийядан ташқари Алварес, Карпентьер, Черкасов, Тилеман, Савольт, Портас каби хорижлик «кичик тўп» усталари қаторида Ўзбекистоннинг умидли теннисчилари, турнирнинг «иккинчи ракеткаси» ҳисобланган Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко, Темур Хонхўжаев каби спортчиларимиз ҳам муваффақият билан иштирок этдилар. Вакилларимиз якка лик баҳсларида кучлиларга бас келишолмаган бўлсада, аммо, жуфтлик ўйинларида Томашевич ва Куценколарнинг ярим финал баҳсларигача етиб борганликлари қувонарли ҳолдир.

«Президент кубоги»нинг совриндори Феликс Мантийя финал босқичигача Т. Хонхўжаев, Д. Томашевич, (Ўзбекистон), А. Портас (Испания), О. Станойчев (Булғория) кабиларни мағлуб этган бўлса, унинг рақиби олмониялик Ларс Рехман учрашувларда А. Савольт (Венгрия), Хуан Марин (Испания), Ф. Фонте (Франция)лар билан беллашиб, ғолиб бўлганди.

Финал беллашувида бу икки рақиб юксак соврин учун муносиб «жанг» қилдилар. Ҳар қалай испаниялик Мантийянинг рақибидан ҳар томонлама устунлиги билиниб турди. Бу финал учрашувида қайд қилинган 6/2, 6/2 ҳисобининг ўзиданоқ Мантийянинг «Президент кубоги»га муносиб уста теннисчи эканлигини кўрсатди. Мантийя нафақат кучли теннисчи, балки, олижаноб инсон ҳам эканлигини турнирнинг тантанали ёпилиш маросимида кўрсатган ҳиммати-дан ҳам билса бўлади.




— Мен дастлабки турларданоқ томошабинларнинг қўллаб-қувватлаб турганларидан руҳланиб, юксак поғонага етиб келдим. Бунинг учун уларга чин дилдан ташаккур айтмоқчиман, — деди у. — Ўзбекистон, унинг меҳмоннавоз халқи, теннис фидойиси бўлган Президент Ислом Каримов менда ёрқин таассурот қолдирди. Кейинги йили ҳам бир иложини қилиб, албатта, мазкур турнир ўйинларига яна келишга ҳаракат қиламан. Мен ўзимга берилган мукофот пулидан 1000 АҚШ долларини Ўзбекистонда болалар теннисини ривожлантириш иши учун сарфлашга қарор қилдим, — деди у пировардида.

Учинчи халқаро теннис турнири якунланди. Лекин, томошабинлар қалбида бир ҳафта давом этган қизиқарли ўйинлар узоқ вақт сақланиб қолиши, шубҳасиз. Ўзбекистон теннисни таниятти, теннис орқали Ўзбекистонни жаҳон танимокда, тан олмокда. Йилдан йилга ушбу «Президент кубоги» турнирининг мавқеи ортиб, энг кучли теннисчиларни тобора ўзига жалб этмокда. Профессионал теннис ассоциацияси рўйхатининг юқори поғоналаридан жой олган теннисчиларнинг юртимизга ташрифи спортнинг бу турлари Ўзбекистонда нақадар нуфузли бўлиб бораётганидан далолат беради.

Теннис байрами тугади. «Юнусобод» мажмуининг чор атрофини ёритиб турган кучли ёритгич вақтинча ўчирилди. Аммо, теннис кортларидан мухлислар қалбига кўчган спортнинг бу турига бўлган муҳаббат ҳеч қачон сўнмайди.

Миржалол МИРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.





СУРАТЛАРДА: «Президент кубоги» учун ўтказилган анъанавий турнирнинг тантанали ёпилишидан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН суратга олган.

ИМКОНИЯТНИ БОЙ БЕРИШМАДИ

МАМЛАКАТ биринчилигининг 20-турида «Дўстлик» ўз майдонида Термизнинг АСК футболчиларини қабул қилди. Дастлабки дақиқаларданоқ майдон эгалари дадил ҳужумга ўтдилар. Бироқ ҳал қилувчи дақиқаларда имкониятдан фойдалана олмадилар. 39-дақиқада меҳмонлар ҳисобни очишгач, беихтиёр Термизда бўлиб ўтган биринчи даврадаги ўйин ёдга келди. «Дўстлик» мураббийлари ўшанда омад улардан юз ўгирганини, учрашув «Дўстлик»нинг тўла устунлигида ўтганини таъкидлашганди. Футболда шундай бир нақл бор. Сен тўп киритмасанг, сенинг дарвозангга киритишади. Яна бунинг устига ҳар бир жамоанинг ўз ноқулай рақиби ҳам бўлади. Бироқ «Дўстлик» бу сафар бундай «ирим-сирим»ларни пучга чиқара олди. 57-дақиқада Фарид Хабибулин ҳисобни тенглаштирди. Орадан саккиз дақиқа ўтгач Ж. Рўзиқулов ғалаба тўпини киритди. «Дўстлик» 2:1 ҳисобида ғолиб келиб, биринчи даврадаги мағлубият аламини олди.

Шу турнинг асосий учрашуви Фарғонада бўлди. «Нефтчи» «Пахтакор»ни қабул қилди. Ўтган мавсумларда тошкентликлар сафида тўп сурган Р. Дўрмонов яна ўз жамоаси «Нефтчи»га қайтди. Мазкур учрашувда Р. Дўрмонов пахтакорчилар дарвозасига 2 та тўп киритди. Тошкентликлар (Дилмурод Назаров) битта тўп билан жавоб қайтара олдилар, холос.

Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» (Урганч) — «Суғдиёна» — 3:0, «Нурафшон» — «Наврўз» — 0:0, «Машъал» — «Трактор» — 0:0, «Атласчи» — «Динамо» (Самарқанд) — 3:2, МҲСК — «Янгиер» — 2:0.

Мазкур турда ўйинчилар ҳакамлардан 20 та огоҳлантириш олдилар. Тўрт футболчи майдондан чиқариб юборилди. Бу албатта нохуш ҳолдир. Огоҳлантириш олганлар сафида «Дўстлик» ҳужумчиси Ф. Хабибулин ҳам бор. Мамлакат терма командаси сафига қабул қилинган, кучли ҳужумчилар рўйхатига кирган Ф. Хабибулинга ҳакамлар қарорига эътироз билдириш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини эслатиб ўтмоқчимиз, холос.

Кеча 21-тур ўйинлари бошланди. «Дўстлик» сафарда «Косонсой»га қарши майдонга тушди. Бугун мазкур турнинг қолган тўрт учрашуви ўтказилади.

АТС СОВҒА ҚИЛИНДИ

ЧИРЧИҚНИГ марказий шоҳ кўчаси — Амир Темур кўчасида янги автоматлашган телефон станциясининг биноси қад кўтарди. Бу АТС металлурглар ва кимёгарлар шаҳрида телефон хизматини сифат жиҳатидан тубдан ўзгартириш йўлида барпо этилиши лозим бўлган шундай станцияларнинг биринчисидир.

Чирчиқда ўзбек-немис қўшма корхонаси «Чирчиқком» ярим йилдан бери фаол ишлаб келмоқда. У шаҳар телефон станциялари тармоғини янгилаш вазифасини ўз зиммасига олган. Учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи АТСлар ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ОМОН БЎЛИШСИН

Вилоятимизда болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари олдини олиш ва янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан шу йил 2-сентябрдан 12-сентябрга қадар Тошкент вилояти ИИБ томонидан «Диққат, болалар» тадбири ўтказилди.

Мазкур тадбирни ўтказиш давомида иш режаси асосида хизматни ташкил этиш ва унинг ижросини мунтазам назорат қилиш йўлга қўйилди. Бу тадбирни ўтказишда Ички Ишлар Бўлимининг бошқа хизмат ходимлари ҳам жалб этилди.

Жумладан, 10 кунлик тадбир доирасида вилоятимиздаги ҳар бир шаҳар ва туман ҳудудларидаги мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларига ДАН бўлинмаси ходимлари бириктирилди. ДАН ходимлари, вояга етмаганлар билан ишлаш нозирлари ва ИИБнинг бошқа хизмат ходимлари мактабларда, мактабгача тарбия муассасаларида ҳамда маҳаллаларда ҳаракатланиш хавфсизлигига оид суҳбатлар ўтказмоқдалар.

«ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР»

Дарсларнинг бошланиши ва тугаши даврида ЙПХ нозирларининг хизмат жойлари мактаблар олдидаги чорраҳаларга яқинлаштирилди. Ҳаракат қатнашчилари томонидан йўл қўйилаётган қоидабузарликлар ўз вақтида аниқланиб, чора кўрилмокда.

Шунингдек, тадбир давомида мактаблардаги машқ майдончалари, ҳаракатланиш хавфсизлиги бурчаклари ва хоналарини жиҳозлашда амалий ёрдам кўрсатиш, шаҳар ва туман халқ таълими бўлими ходимлари билан ҳамкорликда мактабларда «йўлларда ҳаракатланиш қоидалари» дарсларининг ўтказилиши назорат қилинди.

Ўтган 8 ой мобайнида вилоят худудида болалар билан боғлиқ 235 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилган ва бунда 32 бола ҳалок бўлган. 211 таси эса ҳар хил оғир тан жароҳати олган. Мана шу рақамларнинг ўзи бу соҳадаги ишларни ҳамжиҳатликда, мунтазам ўтказиб туришни тақозо этади. Зеро, ёш авлод ҳаётини муҳофаза қилиш билан биргаликда уларнинг турли хавф-хатардан огоҳ қилишда шу каби тадбирлар муҳим роль ўйнайди.

Баҳодир ЭГАМБЕРДИЕВ,
Тошкент вилояти ДАНБ тарғибот бўлими бошлиғи милиция капитани.

МИТТИ ЁҚУТЧАЛАР

Мухтарам газетхон, хабарингиз бор, юқоридаги зарсарлавҳа остида қадимги ибратли ҳикоятлардан намуналар бериб бораётган эдик. Навбатдаги «митти ёқутчалар»ни «Кўнгилга ёқадиган ҳикоятлар»дан Сиз азизларга саралаб тақдим этмоқдамиз. Умидворимизки, бу ҳикоятлар қалб тўрингиздан мустаҳкам жой олиб, ҳамиша самимиятга ошно этса, ажаб эмас!

ЎЧ

БИР от булоқдан сув ичаётган эди. Шу лаҳзада сувдан сакраб чиққан бақа булоқни лойқалатиб юборди. Отнинг жаҳли чиқиб, икки ўртада хусумат пайдо бўлди. От бақадан ўч олиш мақсадида одамдан ёрдам сўради. У нима деса, айтганига рози эканини билдирди. Келишилгач, одам отга эгар-жабдуқ уриб, устига минди ва бақа яшаётган булоққа бориб, уни ўлдирди. Бақанинг ўлганини кўрган от шодлигидан ўзини қаёққа қўйишини билмади. От одамга таҳсин, офаринлар ўқиб, энди рухсат беришини ва ўз маконига кетмоқчи эканини изҳор қилди. Одам эса:

— Сенда ҳали менинг ишим бор! — деб, уни отхонага олиб бориб боғлаб қўйди. От шундагина бақадан олган ўчи ниҳоятда қимматга тушганини англади.

САБОҚ: Баъзи кишилар озгина меҳнатдан қўрқиб, енгил ҳаёт кечириш пайида бўладилар, ўзларини оғир бало домига мубтало қиладилар. Баъзилар эса, салгина дилсиёҳлик учун сабр ва кечириш ўрнига, ўч олиш йўлига тушадилар. Енгилтакликлари оқибатида ўзларини қийин аҳволга солиб қўядилар...

КАЛТАБИНЛИК

От билан эшак йўлда кетар эдилар. Ногоҳ эшак отга нидо қилиб деди:

— Эй, биродар, юкимдан озгинасини олмасанг, мен чарчоқдан йиқилиб ўлишим мумкин!

Бироқ, от унинг илтимосини қабул қилмади. Бир оз юришгач, оғир юкка дош беролмаган эшак йиқилиб тушди ва жон таслим қилди. Эшакнинг эгаси дарҳол пичоқ билан унинг терисини шилиб олди ва юк билан бирга отнинг устига ташлади. От ўзича ўйлади:

— Калтабинлигим ва бадфеъллигим туфайли мискин биродаримга ёрдам қўлини чўзмадим, оқибат унинг юки менинг устимга тушди!

САБОҚ: Оғир кунларда ўзгаларга ёрдам қилмоқ ҳамиша яхшилик белгисидир. Куни келиб, қилган яхшилиги эвазига бошқалардан эзгулик кўради...

ҲАСАД

БИР сигир сабзаворда ўтлаб юрарди.Уни кўрган бақанинг ҳасади ўт олиб кетди. У ўз болаларига қараб:

— Бу сигирнинг семизлигини қаранг, гавдасини катталигига назар қилинг! Наҳотки, мен семизликда ундан қолишсам! Йўқ, мен ундан кўра семизроқман. Мана, қараб туринг! — деди-ю, бор кучи билан гавдасини шишира бошлади. Кейин бирдан қорни ёрилиб, ўлим чангалига тушди.

САБОҚ: Пасткаш ва такаббур кишиларнинг одати шуки, улар ўзларини барчадан яхши, деб ҳисоблайдилар. Улуғ кишиларга ҳасад кўзи билан боқиб: «У ким бўпти, ундан менинг нимам кам» — деб ғурурланадилар ва ўзларини эл орасида шундай кишилардан баланд қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Беҳуда манманлик қилиш, ўз кучи ҳамда қудрати етмаган нарсага интилиш киши учун шармандалик ва ҳалокат олиб келади.

«ДЎСТЛАР»

Бир кийик булоқдан сув ичаётган эди. У аксини булоқ сувида кўриб:

— Қани энди, менинг оёғим ҳам мана шу дарахт танасидек бўлса! Ўшанда душманим ким бўлмасин, барисига қарши уруша олардим, — деб афсусланди. Ҳали у ўз уйини тугатмаган ҳам эдики, ногоҳ овчи итларнинг товушини эшитди. У сакраб туриб, дала томон қочишга тушди. Итлар эса унинг ортидан қува бошлади. Кийик ўзини дарахтзорга урган эди, шоҳи дарахтлар орасига кириб қолиб, қочишга имкони қолмади. Овчи итлар етиб келиб, унинг қорнини ёриб ташлашди. Кийик жон берар экан, нола чекиб деди:

— Оҳ, қандай аблаҳ ва бахти қора эканман! Дўстни душмандан айирмабман! Кўзимга ҳамма нарсадан маҳбуброқ кўринган шоҳим душманим бўлиб чиқди. Қабиҳ ва ёмон кўринган оёқларим эса ҳақиқий дўстим экан!

САБОҚ: Ҳар бир киши ҳаётда содиқ дўст топишга ва бундай дўстлар билан доимо алоқада бўлиб, дўстлик ипини узмасликка ҳаракат қилмоғи лозим. Чунки, садоқатли дўстлар оғир кунларда ёрдамга келиб, кишининг оғирини енгил қиладилар. Тил учида дўстлик қилувчи хулқсиз ва ҳаёсиз «дўстлар» мурувват қўлини чўзмай, ўзини панага оладилар...

МУНОФИҚЛИК

БИР ТЎДА овчилар тулкининг орқасидан қувиб келардилар. Тулки йўлда дуч келиб қолган деҳқондан:

— Мени яширсанг, олижаноблик қилган бўлардинг, — деди. Деҳқон уйига ишора қилди ва тулки дарров ғойиб бўлди. Чопиб келаётган овчилар деҳқондан тулкини қаёққа кетганини сўрашди. Деҳқон билмаслигини айтди. Аммо, иккинчи томондан қўли билан ишора қилиб, тулкининг уйда эканлигини билдирди. Овчилар унинг қўл ишорасини тушунмай чопиб кетдилар. Бу ҳолни кузатиб турган тулки, деҳқоннинг ишорасини сезиб қолди. Шунинг учун деҳқонга лом-лим демай, йўлга тушди.

— Эй, ношукр тулки, — қичқирди деҳқон, — яхшилигимга раҳмат демай қаёққа кетаяпсан?!

Тулки унга ўгирилиб деди:

— Агар қўл ҳаракатинг садоқатда тил билан ҳамдам бўлганда, шукр адосини бажармай туриб кетмаган бўлардим!

САБОҚ: Одамлар борки, уларнинг сўзи билан тутган ишлари бир-бирига зид бўлади. Тилида яхши гапириб, қуюқ ваъдалар берса-да, зум ўтмай орқасидан бошқача иш тутадилар. Бундайлар мунофиқдурлар.

Тўплаб, нашрга тайёрлаган: БАҲОДИР ҲАБИБ ВАЛИ.



«Бекободцемент» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари учун болалар боғчаси ишини намунали йўлга қўйган. Корхонага қарашли боғчада 80 дан зиёд кичкинтойлар тарбия олишмоқда.

Суратда: болалар «Денгизчилик» ўйини машғулотида.

Турғунбек ва Нуриддин МАҲКАМОВЛАР сурати.

ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ЯНГИЙЎЛ туман хотин-қизлар қўмитаси қизларни турмушга тайёрлаш ишларига катта эътибор бериб келмоқда. Шу мақсадда Ниёзбош, Гулбаҳор қўрғони, Эски қовунчи, Навбаҳор қишлоқларида ҳамда Бўзсув қўрғонида «Қизларни турмушга тайёрлаш» мавзуида йиғилишлар ўтказилди.

Ана шундай тадбирларнинг бири куни кеча Убай Мусаев қишлоқ ҳудудида бўлиб ўтди. «Тинчлик» жамоа хўжалиги маъмурий биноси ҳовлисига тўпланган кўпни кўрган онахонлар ўз ҳаётлари асосида оилани мустаҳкамлаш юзасидан фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Туман хотин-қизлар кенгаши раиси, туман ҳокими ўринбосари Тожиҳон Ҳидоятова маҳаллаларда ўтказилаётган бундай тадбирларнинг аҳамияти ҳақида гапирди. Кекса ўқитувчи, нафақахўр Ҳ. Исоқова, вилоят худудий «Бахт уйи» мудираси М. Мираҳмедова, 14-болалар боғчаси тарбиячиси Н. Бозорбоева ва бошқалар қизларни турмушга тайёрлашда нималарга эътибор бериш борасида сўзладилар.

Шу мавзудаги кейинги йиғилишни Шўралисой қишлоғида ўтказишга қарор қилинди.

Маҳбуба ЮСУПОВА.

ОЛИЙ МУКОФОТГА САЗОВОР БЎЛИШДИ

ИСПАНИЯДА ўтказилган 30-халқаро мусиқа фестивалида АҚШ, Италия, Бельгия, Франция каби бошқа бир қатор мамлакатлардан келган созандалар орасида доцент Феруза Абдурахимова бошчилигидаги ўзбек халқ чолғу камер оркестри ҳам иштирок этди. Ўзбек миллий чолғу асбобларидан таралган куй-тароналар залда ҳозир бўлган минг-минглаб мусиқа шинавандаларини бефарқ қолдирмади. Томошабинлар олқишига сазовор бўлган юртимиз созандалари фестивалнинг олий мукофотига лойиқ топилди. Бундай нуфузли фестивалда илк бор иштирок этиб, ғолиб чиқан мамлакатимиз вакиллари ўз ютуқларини Ўзбекистон Республикасининг беш йиллик тўйига армуғон этдилар.

НАСИБАНИНГ «МУВАФФАҚИЯТ»И!

ТУРКИЯНИНГ Истамбул шаҳрида «Хушгуру» ҳаракати ташаббуси билан 1 халқаро Турквидеон мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Унда 18 мамлакатдан таниқли қўшиқчи ва бастакорлар иштирок этишди. Бир ҳафта давом этган бу фестивалда уфалик В. Сидиров ва О. Айтқуловлар биринчи мукофотга сазовор бўлишган бўлса, Ўзбекистон вакиласи, таниқли хонанда Насиба Абдуллаева эса «Мансион» яъни — «Муваффақият» мукофоти лауреати бўлди.

Туркияда ўтказилиши кўзда тутилган мазкур халқаро фестивал олтинчи йилдан бошлаб ғолиб қўшиқчи юртида ўтказилиши ҳам мўлжалланган. Евроосиё телеканали орқали Марказий Осиё ва Европа мамлакатларига намойиш этилган ушбу фестивал жамоатчиликда катта таассурот қолдирди.

(Ўз мухбиримиздан).

УРУҒЛИК КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Тошкент вилояти, Зангиота тумани «Бўзсув» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси қуйидаги кафолатланган сабзавот уруғларини

СОТАДИ

1. **Пиёз уруғи — «Қоратол» нави**
2. **Помидор уруғи — ТМК нави**
3. **Ош лавлаги уруғи — «Бардо» нави**
4. **Редис уруғи — «Рубин», «Дунган», «Оқ тумшуқ» навлари**
5. **Укроп уруғи — «Ўзбек — 243» нави**
6. **Кашнич уруғи — «Янтарь» нави**

Тўловлар сўмларда ҳисобга ўтказиш, ҳамда вексель ва нақд пул орқали амалга оширилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бўзсув» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси.

Автобус: С. Раҳимов метросидан «Метро—Бўзсув» маршрути.

ТАШКИЛОТ

ЗИЛ, ГАЗ-53, ГАЗ-24, МАЗ, КамАЗ автомобилларининг поршенлар гуруҳлари, тирсакли ўқлари, поршен халқалари ва бошқа эҳтиёт қисмлари, шунингдек Д-240нинг поршен халқаларини

сотади

Мурожаат учун телефон: 56-02-13

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: № 8 Буюртма Г-6495. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8647 нусха.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 17.32. 1 2 3 4 5 6